TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 20-noyabr / CHORSHANBA / № 92 (13751)

ПРЕЗИДЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Тошкент шаҳрида 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради.

Биринчи мажлиснинг Муваққат котибияти, Саноқ комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.

Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши таклифига биноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддин Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Шундан сўнг мажлисга раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Спикернинг ўринбосарлари ҳам сайланди. Бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олинди, уларнинг келишилган таклифларига мувофиқ Қонунчилик палатасида ўнта қўмита тузилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида депутатларни сайлангани билан табриклаб, бу халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмати ифодаси эканини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ФАҚАТ КУЧЛИ ИРОДА, БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, ҚАТТИҚ МЕҲНАТ БИЛАНГИНА ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИША ОЛАМИЗ

Тошкент шаҳрида 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Тадбирни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ялпи мажлис ишини ташкил этиш учун котибият ва электрон овоз бериш назорати бўйича гуруҳ тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Сенатига сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.

Бу жараён янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигига биноан ошкора ва адолатли ўтгани таъкидланди. Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак ишончга сазовор бўлганлари билан самимий табриклади.

Юқори палатанинг аввалги таркиби мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшгани таъкидланди. Охирги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

(Давоми 2-саҳифада)

Оҳангарон: ЯНГИЧА ҚАРАШ БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар ва бунёдкорликлар натижасида қишлоқлар обод бўлиб, шаҳармонанд қиёфа касб этяпти. Чекка ҳудудлар аҳолисининг ҳам турмуш фаровонлиги юксалиб, одамлар ислоҳотлар самарасини ўз ҳаётларида кўриб, ҳис қилиб яшамоқдалар.



Дониёр МАДИРИМОВ, Оҳангарон тумани ҳокими

“Тошкент ҳақиқати” минбари

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил октябрь ойида вилоятимизга ташрифи арафасида барча республика ташкилотлари жалб этилган ҳолда Оҳангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, унда 2025-2026 йилларда туман равнақи учун 45 млрд. сўмдан ортиқ маблағ жалб этилиши белгилаб берилди.

(Давоми 4-саҳифада)



Обуна–2025

Ҳурматли газетхон!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр индекси – 205



Шукух



Байроғимиз – миллий ғуруримиз



рамзлари халқимиз ғуруридир. Сўнгги йилларда мамлакатимиз эришаётган ютуқлардан фахрланган фуқаролар ўз ватанпарварлик туйғуларини ифода этиш мақсадида хонадонлари пештоқига юртимиз байроғини илиб қўйишмоқда.



Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганининг 33 йиллиги муносабати билан тантанали маросим ташкил этилди. Унда вилоят фаоллари, сенаторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳудуд аҳолиси ва ёшлар жам бўлишди.

Фахрий қоровул саф тортди. Йиғилганлар давлатимиз байроғига ҳурмат бажо келтиришди.

“Миллат байроғи” шиори остида бошланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Сўнгра Мудофаа бўлими ва Миллий гвардияга қарашли ҳарбий техникалар, отлиқ бўлинмалар, автоуловларда ҳарбий хизматчилар иштирокида тантанали юриш бўлди.

Тадбирни Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев очиб берди.

Таъкидланганидек, Ватанимиз

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклади.

Вилоят филармонияси хонандалари ижросида мустақиллигимиз ва обод юртимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Кун тартиби

Натижалар танқидий таҳлил қилинди

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида вилоятимизда ижтимоий ҳимоя борасида қилинаётган ишлар сарҳисобига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда камбағалликка қарши курашиш, камбағал оилаларни аниқлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш, камбағалликдан чиқариш бўйича қилинган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Бу борада республика ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганиш якунлари бўйича хулоса ўқиб эшиттирилди.

Қайд этилганидек, жойларда камбағал оилаларни аниқлаш, уларни реестрга киритиб, фаол иш олиб бориш бўйича амалдаги тартибга алоҳида масъулият билан ёндашишни тақозо қилади. Хусусан, хатлов натижаларига кўра, камбағал деб ҳисобланаётган оилаларни ўрганиб, электрон платформага киритиш, оиланинг шарт-шароитига баҳо беришда тезкорлик етишмаяпти.

– Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги юксак инсонпарварлик сиёсатини татбиқ этишда бир дақиқа ҳам сусткашликка йўл қўймаслик, ёрдамга муҳтож оилани тезкорлик билан реестрга киритиб, амалий ёрдам беришни бошлаш зарур. Бу масалада сусткашликка йўл қўйганларнинг соҳада ишлашга ҳаққи йўқ, – деди вилоят ҳокими.

Йиғилишда, шунингдек, фаол ҳаётга қайтиш истагидаги ногиронлиги бўлган фуқаролар билан ишлаш, уларнинг орзу-мақсадларидан келиб чиқиб, шароит яратиш борасидаги устувор вазифалар кўриб чиқилди. Жумладан, 2025 йилда уларнинг 530 нафари адаптив спорт турларига жалб қилинади, 765 нафари касб-ҳунарга ўқитилади. Меҳнатга лаёқатли 2 минг 412 нафар фуқаро эса жисмоний имконияти чекланган шахсларга мослаштирилган иш билан таъминланади.

Мажлисда кун тартибидаги масала юзасидан масъулларнинг ахбороти эшитилди ва 2025 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг ўринбосари Усмон Шарифхўжаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ПРЕЗИДЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бу йилги парламент сайлови янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга киргани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, бу жараён биринчи марта аралаш сайлов тизимида ўтди.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 57 нафари аёллар, 11 нафари 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар бўлди. Умуман, бу йил қуйи палата таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди.

Палатанинг сўнгги беш йилдаги фаолиятига баҳо берилди. Бу даврда мамлакатимиз Конституцияси янгиланди. 130 дан ортиқ янги ва яхлит қонунлар қабул қилинди. Бу – олдинги даврга нисбатан 1,5 карра кўп.

Президент парламент эътиборидан четда қолган масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Масалан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда. Парламент ва депутатлик назорати кучидан тўла фойдаланилмаяпти. Депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатаси олдидаги янги вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида ҳар бир қўмита қошида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузиш таклиф этилди.

Парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши муҳим. Партиявий ва фракциявий интизомни мустаҳкамлаш масаласи ҳам асосий эътиборда бўлиши керак.

Президент қонун ижодкорлиги, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши кераклигини таъкидлаб, қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, эскирган уйлар ўрнида замонавий тураржойлар қуриш, фуқароларнинг уй-жой қурилишига йўналтирган маблағларини кафолатли ҳимоя қилиш, хусусий таълим ва электр энергетикаси соҳасида инвесторларни қўллаб-қувватлаш, мажбурий тиббий суғурта ва сунъий интеллектни қўллаш, франчайзинг, капитал бозори, “стартап”лар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш вазифаси қўйилди.

Ғоялар курашини жонлантириш учун парламентдаги мухолифатга кафолатланган ҳуқуқлари сонини 3 тадан 6 тага ошириш, 1 нафар қўмита раиси ва 2 нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда “Ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида камида биттадан масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар бериш таклиф қилинди.

Парламент назоратида кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, янгиланган Конституциямизга кўра, Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Шу боис палатанинг бу борадаги ишини янада кучайтириш, жумладан, Ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит хулосаси билан биргаликда киритиш амалиётига ўтиш кераклиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш таклиф этилди.

Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этиш ҳақида фикр билдирилди.

Парламент дипломатияси – давлатимиз ташқи сиёсатида муҳим восита. Бундай алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида қуйи палатада қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш, иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссиялари ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз ўттиз етти миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистондек катта давлатнинг парламенти аъзоси бўлиш улкан шараф эканини таъкидлади.

– Депутат бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир. Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мажлисда сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ва депутатлар сўзга чиқди. Президентимиз фикрларни қўллаб-қувватлаб, депутатларни жонкуяр ва халқпарвар бўлишга ундади.

– Сиз жойлардаги одамларнинг вакили, халқнинг овозисизлар. Буюк халқимиз билдирган ишончга муносиб бўлишингиз керак. Ҳар бир масалага ёндашувда, қонунлар ишлаб чиқишда узоқ-яқин туманлардаги инсонларни кўз олдингизга келтириб, фақат бугунни эмас, келажак авлодларни ҳам ўйлаб иш тутсангиз, элимиз сиздан рози бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисда кун тартибидаги масалалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорлари қабул қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ФАҚАТ КУЧЛИ ИРОДА, БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, ҚАТТИҚ МЕҲНАТ БИЛАНГИНА ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИША ОЛАМИЗ

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Президент бугун дунёдаги вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва бирликнинг аҳамиятини таъкидлади.

– Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу омиллар барчадан ўз ишини танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, Сенат олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилди.

Биринчидан, қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиш зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш лозим.

Иккинчидан, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши керак. Маълумки, энди Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилади. Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди.

Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимизда давлат бошқарувини қуйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнлари ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

Учинчидан, маҳаллий Кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлаши талаб этилади.

Туман ва шаҳарлар бюджети муносабатларида ҳам маҳаллий кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. Бундан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этиш, Сенат эса бу йўналишларда маҳаллий кенгашларга кўмаклашиб бориши зарур.

Тўртинчидан, янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юклатилган. Сенат бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши керак.

Бешинчидан, Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу боис, қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди.

Олтинчидан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастур ва режаларни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки жуда муҳим.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур. Сенат аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, ёш авлод онгига қонунга ҳурмат, тўғрилик ва ҳалол меҳнат тушунчаларини сингдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Саккизинчидан, Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Бунда Сенат фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланмай, уларнинг фаолияти билан танишиб, хулоса бериш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Мажлисда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига номзод тақдим қилди.

Яширин овоз бериш орқали Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Нарбаева сайланди. Шунингдек, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди.

Кун тартибига мувофиқ, Сенатда 7 та қўмита ва битта комиссия тузилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Муносабат

Инсоният яралибдики, унинг маънавий юксалишига бешик бўлган, тарихи бир неча минг йилларга бориб тақаладиган, бағрида ҳам олис ўтмиш, ҳам бугунги тамаддун жараёнларини намоён этувчи бир маскан бор. Бу – маҳалла.

МАҲАЛЛАЛАР – ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЗАМИНИ

Дарҳақиқат, маҳалла – халқ билан мамлакат ўртасидаги ишонч кўприги сифатида хизмат қиладиган, инсонни жамиятнинг бир қисми бўлишга ўргатадиган, уни бағрикенглик ва халқпарварлик руҳида тарбиялайдиган гўшадир. Давлатимиз раҳбари: “Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини”, деб таъкидлаган эди.

Кейинги йилларда миллий ўзлигимиз тимсоли, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз бешиги бўлган ана шу институтнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ваколатларини ошириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида катта тажриба тўпланди. Умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизга маҳалла бошқарувига оид муҳим янги моддалар киритилди.

Бу ҳақда гапирганда, охирги етти йилда тизимни такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини, барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш усули кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика ва солиқ инспекторлари ҳамда ижтимоий ходимдан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Вилоятимизда ҳам “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини ҳамкорликда мувофиқлаштириб бориш мақсадида Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар, Ёшлар ишлари ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентликлари, солиқ, оила ва хотин-қизлар сектори масъул ходимлари билан ҳамкорликда доимий иш олиб борадиган вилоят ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида маҳаллалардаги мавжуд муаммолар ўз вақтида аниқланиб, ижобий ечим топилмоқда.

Ҳозирда вилоятимиздаги мавжуд 1 минг 25 та маҳаллада “еттилик”нинг 6 минг 32 нафар аъзолари биргаликда бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, нуроний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар ва ёшларга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби бир-биридан муҳим ишларни бажаришмоқда.



Жумладан, маҳаллаларда “еттилик” ўтказган ўрганишларда турли масалалардаги 3 минг 739 та муаммо аниқланиб, тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2 минг 77 тасини (55,5 фоиз) ҳал этишга эришилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан “еттилик”ка қўйилган асосий вазифалардан бири маҳаллаларни ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича жорий йил бошида хатлов ўтказилиб, “Омбор китоби” шакллантирилди. Ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича “Бандлик дастури” тузилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, “Сайхунобод” ва “Уйчи” тажрибаси 6 минг 306 та хонадонга жорий қилиниб, шу йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича аниқланган 62 минг 670 нафар ишсиздан 50 минг 371 нафарининг (80 фоиз) бандлиги таъминланди. Амалга оширилган ишлар натижасида 425 та (41 фоиз) маҳалла ишсизликдан, 287 таси (28 фоиз) жиноятчиликдан, 175 таси (17 фоиз) оилавий ажримдан ҳоли ҳудудга айлантирилди.

Бундан ташқари, хонадонларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқталари аниқлаб олинди. “Хонадонбай”, “оилабай” ишлаш тизими, “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари жорий этилиб, бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалла идорасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланиб, у аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатишнинг адолатли ва таъсирчан институтига, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатадиган, одамларга энг яқин халқчил тузилмага айланиб бормоқда.

Маълумки, маҳалла биноси ҳар бир ҳудуднинг юзи, ўзига хос ташриф қоғозидир. Қачонки, унда “маҳалла еттилиги” ва аҳоли қабули учун қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратилса, шундагина иш унумдорлиги юқори бўлиб, кўзланган натижаларга эришилади.

Юртимизда маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, биноларини уч йил муддатда босқичма-босқич молиялаштириш орқали қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадида 2024-2026 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилди. Бунда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва давлат-хусусий шериклик асосида 119 та маҳалла биноларини янгидан қуриш ҳамда 116 тасини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида Бўстонлиқ туманида 8 та, Олмалиқ, Нурафшон шаҳарлари ва Чиноз туманида 2 тадан, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Янгийўл туманлари ва Янгийўл шаҳрида 1 тадан, жами 20 та маҳалла янги бино билан таъминланди. Айни пайтда 24 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш жараёни давом этмоқда.

Эътиборлиси, маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини ошириш, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида жамғарма жорий этилган бўлиб, бу маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш учун айни муддао бўлди. Жамғарма маблағлари эса жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи ҳамда қарорда белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Вилоятдаги 1 минг 25 та маҳалланинг жамғарма ҳисоб рақамларида шаклланадиган маблағларнинг жорий йил учун прогнози фақат мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи бўйича ҳисобланганда 44 млрд. 312 млн. сўмни ташкил этиб, январь-сентябрь ойларида маҳаллалар жамғармасига 27 млрд. 999 млн. сўм ёки йиллик прогнозга нисбатан 63 фоиз маблағ келиб тушди. Шундан 7 млрд. 748 млн. сўми маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, таъмирлаш, асосий воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа харажатларга сарфланди.

Яна бир муҳим янгилик. Президентимизнинг 2024 йил 25 июнда имзоланган “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра, республиканинг 208 та маҳалласида тажриба-синов тариқасида “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилгани янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Мисол тариқасида Янгийўл туманининг “Ғалаба” маҳалласида ташкил этилган маҳалла сервис компанияси фаолиятини келтирамиз. Маҳалла ҳудудида компанияга мос янги бино қурилиб, 11 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Компания маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бепул бажаради.

Шунингдек, унда аҳоли учун 23 турдаги коммунал хизматлар ҳам йўлга қўйилган. Бугунги кунда вилоятнинг энг намунали 22 та маҳалласида шу каби маҳалла сервис компаниялари аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда.

Қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг туб моҳияти халқимизнинг яхши шароитларда яшаши, ҳар бир инсоннинг шахс сифатида ривожланишига қаратилган. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **“Замон шиддат билан ўзгаряпти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамиз, яна ўзгартирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қиляпти. Ҳозирги таҳликаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз – маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”**.

Ҳақиқатан, бугун маҳалла инсонларнинг дарди, қувонч ва ташвишлари билан яшаётган масканга айланиб улгурди. Маҳалла еттилиги эса аҳоли мурожаатларини ҳал этиш, унда яшаётган инсонлар тақдирини ижобий томонга ўзгартириш, шунингдек, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда барча имкониятларни ишга соляпти. Натижа эса ёмон бўлаётгани йўқ. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга ўз вақтида кўрсатилаётган кўмак, қўллаб-қувватлаш туфайли уларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, камбағаллик даражаси сезиларли тарзда камайиб бормоқда.

Энг муҳими, одамларнинг маҳаллага бўлган ишончи кун сайин ортмоқда. Демак, олдинда қилинадиган ишлар, вазифалар кўп. Бунинг учун ҳар биримиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳамжиҳатликда аниқ мақсадлар сари олдинга интилмоғимиз керак.

Шуҳрат ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси
Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Қирқ йиллик қадрдонимиз

Бундан 40 йиллар чамаси аввал Ўрта Чирчиқ туманининг ижтимоий-сиёсий нашри – “Машъал” газетаси таҳририятига бир йигит кириб келди. Унинг қадам ташлашидан тортиб, қисқа ва лўнда гап-сўзларидан бор шижоати билиниб турарди. У илк дуч келган ходимдан бош муҳаррир қайси хонада ўтиришини сўраб, унинг ҳузурига кириб кетди.



Кейин билдикки, бу йигит яқинда ҳарбий хизматдан қайтган тўйтепалик ёш журналист Толиб Ҳакимов бўлиб, “Ҳовузнинг қопқоғи” сарлавҳали фантастик жанрда танқидий мақола ёзиб келган ва уни “Машъал” газетасида чиқариш истагида экан.

Дарвоқе, ўша кезлари туман маркази Тўйтепанинг қоқ ўртасида катта бир сунъий ҳовуз бўлар эди. Ёнғин хавфсизлиги учунми, ё экзотика учунми, ёки бошқа мақсадда қурилганмиди – бунисини билмасдик. Аммо ўша сунъий ҳовуз ташландиқ ҳолатга келиб қолган, у хунук кўринишидан ташқари одамларга, айниқса, ўйинқароқ болалар учун жиддий хавф туғдирарди.

Фантастик мақолада муаллиф ҳеч ким эътибор бермай қўйган бу сунъий ҳовузга, ҳатто, ўзга сайёраликлар ҳам жуда қизиқиб қолганлиги, уни одамлар нима учун қуришгани-ю, энди нима учун қаровсиз ташлаб қўйишганини астойдил билиш мақсадида тун ярмида “учар лекопчалар”да Тўйтепанинг қоқ марказига қўниб, бу “сирли объект”ни ўрганганлиги ва алалхусус бу ҳовузга қопқоқ ўрнатиб кетишгани ҳажв қилинади.

Бу ғайритабиий воқелик акс этган мақола газетада эълон қилингач, анча шов-шувларга сабаб бўлди. Бир оз вақт ўтгач, бу ташландиқ ҳовуз текислаб ташланди.

Толиб Ҳакимовнинг кейинги муболағали ҳазили “Улкан Тўйтепа” тепалигидан хазина топилгани ҳақидаги мақола эди. Гарчи бу мақола 1 апрель – Халқаро мутойиба куни муносабати билан ёзилган бўлса ҳам, уни тушуниб-тушунмаганлар ўртасида катта муҳокама ва шов-шувларга сабаб бўлади.

“Машъал” газетасида иш фаолиятини 1984 йилдан бошлаган ва ўзининг ҳажвий, танқидий-таҳлилий мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган Толиб Ҳакимовнинг туман газетасидан ташқари, мамлакатимизнинг ўша вақтда довруғи кетган “Фан ва турмуш” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Туркистон” газеталарида ҳам қатор долзарб мақолалари эълон қилинганини газетхонлар яхши эслашади.

Бу мақолалар ичида ўша пайтларда тақиқланган мавзулардан бири бўлган совет қўшинларининг Афғонистондаги жанглари ҳақидаги гаплар ҳам бор эди.

Ўз вақтида бу мавзуда ёзиш учун расмий идораларнинг рухсати керак бўлар ва яна бир ҳамкасбимиз Жамбул Қурбонбеков каби Толибжон ҳам мана шу мушкулотларни муваффақиятли ҳал этган ҳолда маҳалладоши, Афғонистондаги қонли тўқнашувларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Ҳикматилла Йўлдошев жасорати ҳақида “Туркистон” газетасида мақола эълон қилди. Бу иш ўша пайтларда унча-мунча журналистнинг қўлидан келмасди.

Шу кетишда ёш ҳамкасбимиз таниқли ижодкорга айланиши ҳеч гап эмасди. Аммо унинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ўзгача кечди. У узоқ йиллар “Машъал” газетасида масъул котиб лавозимида ишлаб, газетанинг дизайн жиҳатидан кўркам ва ранг-баранг чиқиши учун заҳмат чекди.

Т.Ҳакимов гарчанд муаллифлик мақолалари билан кўп ҳам матбуотда кўриниш бермаса-да, моҳир муҳаррир сифатида танилди.

У бош муҳаррир бўлган йиллар “Машъал” газетаси янада ёрқин рангларда салмоқли саҳифалар ва ададларда мухлислар қўлига етиб борди. Таҳририят биноси бир неча бор таъмирланди. Газетанинг техник базаси замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди.

Толиб Ҳакимов бош муҳаррир сифатида катта авлод вакилларини “Масжиднинг нақшинкор устунлари”, деб эъзозлаган бўлса, янги авлод журналистларини “Келажаги порлоқ ёшлар”, дея ардоқлаб, уларга имкон қадар кўмак кўрсатиб келмоқда.

Газетага амалиёт ўташга келган ўнлаб бўлажак журналистлар бу даргоҳда Толиб Ҳакимовдан тажриба ва маҳорат сирлари билан бирга инсоний фазилатлардан ҳам сабоқ олдилар.

Йиллар ўтиб Толиб Ҳакимов қалами ўткир журналист сифатида танилди. У нима ҳақида ёзмоқчи бўлса, ўз мақсадини аниқ баён қилиб, кўп сонли газетхонларга фикрини лўнда етказа олади. Танқидий мақолаларида эса нохуш ҳолатларни қалам тиғига олибгина қолмай, натижаси билан ҳам қизиқади. Бир сўз билан айтганда, бошлаган ишини охирига етказиб, мақоланинг якуний хулосасини бера олади.

Жорий йил Президентимиз томонидан Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни арафасида “Машъал” газетаси бош муҳаррири Толиб Ҳакимовнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланиши ҳам турли миллат вакилларидан иборат ижодий жамоа раҳбарига берилган юксак эҳтиром ифодаси бўлди.

Шу кунларда Толиб Ҳакимов қутлуғ 60 ёшни қаршиламоқда. Фурсатдан фойдаланиб, 40 йиллик қадрдонимизни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими, ҳамкасблари, жамоадошлар муборак айёми билан қутлаймиз. Турмуш ўртоғи Насибахон билан бирга фарзандлари ва набиралари ардоғида пири бадавлат бўлиб юриш насиб этишини тилаймиз.

Йиллар ўтаверади, сочларга оқ оралайди. Лекин ижодкор инсоннинг қалби асло қаримайди. Толибжон Ҳакимов ана шундай қалбида қуёши ботмайдиган инсонлардан. Қанча сувлар оқмасин, қанча қорлар эримасин, Толиб Ҳакимов кўз ўнгимизда ўша таҳририятга илк бор кириб келган навқирон сиймода гавдаланаверади.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Анора КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари

Вилоят бўйлаб



АНГРЕН шаҳрида спортнинг таэквандо тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ангренлик ёшлар ғолиб бўлишди.

ЯНГИЙЎЛ туманилик 8-синф ўқувчиси ҳар томонлама тежамкор уй ихтиро қилди. Янги лойиҳа ёмғир суви ва қуёш панеллари орқали яшаш учун мослаштирилади.

БЕКОБОД тумани камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўлими томонидан “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турган 12 нафар хотин-қизга тикувчилик билан шуғулланишлари учун зарур ускуналар олиб берилди.

ЗАНГИОТА туманининг “Ўратепа” маҳалласи ички кўчаларини асфальтлаштириш ҳашар йўли билан давом эттирилмоқда. Шунингдек, аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш ва шу орқали даромад манбаларини кенгайтириш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Яшил макон

“Божхоначилар боғи” кенгайди

Хабарингиз бор, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиш ва республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш мақсад қилинган. Хусусан, лойиҳаси доирасида 444 та “яшил боғлар” барпо этиш ишлари жадал суръатда давом этмоқда.





Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатида фаол иштирок этишмоқда.

Шу кунларда божхоначилар томонидан “Ўртасарой” массивининг автомобиль йўли ёқасидаги 1,3 гектар майдонга 1 минг 100 туп кўчат экилди.

Режага кўра, лойиҳа давомида 10 гектар майдонга жами 26 минг туп дарахт кўчатлари экиш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

“Жўраобод” обод манзилга айланмоқда

Шу кунларда Республика ишчи гуруҳи мутасадди вазирлик ва идоралар, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Бўка туманидаги “Жўраобод” маҳалласи инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини самарали ташкил этиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Жараён

Бунда дастлаб қишлоқ ҳудуди тўлиқ хатловдан ўтказилди ва зарур вазифалар белгилан олинди. Хусусан, маҳалладаги 223 та хонадонда 274 та оила яшайди. Ҳудудда меҳнатга лаёқатли фуқаролар 384 нафарни, шундан ишсизлар 54, камбағал оилалар 43, ишлаш мақсадида миграцияда бўлган фуқаролар 8 нафарни ташкил этади.

Ўрганишлар давомида яроқсиз ҳолатга келиб қолган электр симёғочлар янги темир бетон устунларга алмаштирилди, мавжуд трансформатор таъмирланди. Шу билан бирга, асосий автомобиль йўлининг 4 километр қисми жорий таъмирлаш учун тайёрланди ва йўл ёқасидаги нотекис жойлар текисланди. Ички кўчалар шағаллаштирилмоқда. Ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳам бошланган. Бунинг учун мавжуд сув иншооти жорий таъмирланди. Шунингдек, 40 та хонадонга сув ҳисоблагич ускуналари ўрнатилди.

Маҳалладаги айрим кўчаларга махсус чиқинди контейнерлари ўрнатилди. 223 та хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. Жойларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида марказини ташкил этиш бўйича вилоят тижорат банклари томонидан 3 та лойиҳа ишлаб чиқилди, – дейди маҳалла раиси Соли Жалилов. – Ҳудуддаги 30-сонли умумтаълим мактабининг иситиш тизимини яхшилаш, бинони таъмирлаш чоралари кўрилди. Мактаб кутубхонаси қайта ташкил қилинди.

Фуқаро С.Холиқованинг хонадонида 50 ўринли оилавий мактабгача таълим ташкилотини очиш таклифи қўллаб-қувватланиб, бу борада амалий ишлар бошланган. Қишлоқдаги тиббиёт пункти жорий таъмирланиб, зарур дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланди. “Обод хонадон” йўналишида ҳудуддаги хонадонлар ҳовлилари чиқиндилардан тозаланиб, томорқалар тўқсонбости экинлар экиш учун тайёрланди.





Таъкидлаш лозимки, бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг турмуши фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шуни эътиборга олиб, маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Маданият карвони” лойиҳаси томонидан гала-концерт намойиш қилинди. Элимиз суйган санъаткорлар ва эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Балиқчилик

Кластер ҳовузидаги "хазина"

Янгийўл туманидаги 264 гектар ер майдонида замонавий технологияларни жорий қилиш орқали аҳолига сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди.



Лойиҳанинг умумий қиймати 126 миллиард сўм бўлиб, 150 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Кластерда йиллик балиқ ишлаб чиқариш ҳажми 3 минг тонна. Шундан қайта ишлаш ва сақлаш ҳажми минг тонна. Инкубация цехларида 100 миллион дона личинка ишлаб чиқарилади ҳамда 10 миллион дона чавоқ етиштирилади.

Шунингдек, 12 турдаги балиқ маҳсулотлари ва 6 минг тонна омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Назорат

Тошкент вилоятида “Хавфсиз ҳудуд – долзарб 50 кун” махсус профилактик тадбири доирасида вилоят ИИББ ва Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари томонидан Ўрта Чирчиқ туманида тезкор тадбир ўтказилди.

Гиёҳвандлик воситаси айланмасига чек қўйилди

Унда 22-25 ёшдаги 3 нафар шахс 3 грамм синтетик гиёҳвандлик воситасини назоратдаги харидорга 1,7 миллион сўмга сотган вақтида далилий ашё билан қўлга олинди. Қўлга олинганлар орасидаги шахс (Х.Ғ.) нинг ёнидан 6 грамм “марихуана”, шериги (Ш.Л.)га тегишли машинадан эса гиёҳвандлик моддаси истеъмоли учун махсус ясалган идиш топилди.

Масъуллар томонидан олиб борилган суриштирувлар натижасида ушбу шахслар интернет орқали гиёҳвандлик воситаларини сотувчи шахслар билан алоқада бўлиб, “закладчик” сифатида фаолият юритган. Уларга юборилган махсус манзиллар орқали синтетик гиёҳвандлик воситаларини олиб, тарқатгани фош бўлди.

Тезкор тадбир давомида ушланган шахс (Ш.Л.)га юборилган сўнгги манзил асосида Қибрай туманининг “Чинобод” маҳалласи ҳудудидан вазни 20 грамм бўлган синтетик гиёҳвандлик воситаси яширилган жойдан ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЎзА

Оҳангарон: ЯНГИЧА ҚАРАШ БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Мазкур қарорга асосан:

– туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, “Овжазсой”, “Эртошсой” ва “Жиблонсой” туристик зоналари ташкил этилиши режалаштирилди. 2024-2026 йиллар давомида мазкур туризм зонасида 2 млн.дан зиёд хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун 750 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар йўналтирилиб, 10 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади, 2 мингдан ортиқ оилани камбағалликдан чиқариш имкони яратилади;

– туман аҳолиси ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини барқарор электр-энергия билан таъминлаш мақсадида, Хитой Халқ Республикасининг йирик корхонаси ҳамкорлигида “Телов” ҳудудидаги 666,2 гектар ер майдонида 2 гиговатт қувватга эга шамол, қуёш ва гидроэлектростанциялари қурилиши режалаштирилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1,8 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади.

ИККИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Аҳоли билан мулоқотлар, сайёр қабуллардаги мурожаат ва таклифлар таҳлилидан келиб чиқиб, одамларни қийнаб келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган икки муҳим йўналишни белгилаб олдик.

1-йўналиш – аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш. Ҳозирги кунда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 78,9 фоизни ташкил этади. Лекин олис тоғли ҳудудлар – “Чинор”, “Кўксарой”, “Овжазсой”, “Чувилдоқ” маҳаллаларида **бу кўрсаткич 55 фоиздан паст.**

Шу сабабли, яқин беш йил ичида сув тармоқларини модернизация қилиш, ичимлик суви таъминотини яхшилашга жами 61 млрд. сўм маблағ ажратилади. Бунинг натижасида эса ичимлик суви таъминоти жорий йил якунига қадар 80 фоизга, 2025 йилда 82 фоизга, 2026 йилда 84 фоизга етказилади.



Жорий йилнинг 3-чорагида “Қорасувёқа” маҳалласининг ўзида 13 км. ичимлик суви тармоқлари тортилиб, 2 та сув қудуғи, 2 дона сув иншооти ўрнатилиши ҳисобига маҳалладаги 640 хонадонда яшовчи 3 минг 340 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, фуқароларни келгуси икки йилда электр ва табиий газ билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, электр таъминотини яхшилаш учун бюджетдан 20,5 млрд. сўм йўналтириш режалаштирилган бўлиб, бу маблағ 132,1 км. узунликда электр тармоқлари ва 12 та трансформаторни реконструкция қилишга сарфланади.

Газ таъминотини яхшилаш ва тежамкор технологияларни жорий этиш учун 2,3 млрд. сўм маблағ ажратилиб, жами 6,61 км. узунликдаги тармоқлар қурилади, 191 та тақсимлаш пункти таъмирланади ҳамда 3,6 минг дона ҳисоблагичлар ўрнатилади. Ишлар якунига етгач, **29 та маҳаллада яшовчи 17 минг аҳолининг газ таъминоти янада яхшиланади.**

Бундан ташқари, тумандаги “Нуробод”, “Эйвалек” ва “Ғаллақудуқ” маҳаллаларида жойлашган кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини яхшилашга 7,7 млрд. сўм маблағ ажратилади. Мазкур маблағлар ҳисобига Нуробод шаҳарчасидаги кўп қаватли уйларнинг 3 километр иссиқлик тармоғи изоляция, 1,3 километри эса модернизация қилинади. Натижада 50 та кўп қаватли уйга иссиқлик етказиб бериш яхшиланади.

2-йўналиш – йўл инфратузилмасини яхшилаш. Ўрганишларимиз натижасида тумандаги ички ҳамда халқаро аҳамиятга эга магистраль йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида муаммолар мавжудлиги аниқ бўлди. Шу сабабли, тузган дастурларимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилади.

Жумладан, келгуси икки йилда ички йўлларни таъмирлаш харажатларига 22,6 млрд. сўм, халқаро аҳамиятдаги йўлларни таъмирлашга эса 46 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2026-2029 йилларда А-373 магистраль йўлининг “Ўзбекистон” МФЙ ҳудудидан ўтган қисмидаги 36 гектар ер майдонида 30 та 7 қаватли, 51 та 9 қаватли – жами 3 минг 784 хонадонли тураржой бинолари қурилади. Шу массивда 1,5 минг ўринли мактаб, 1,5 минг ўринли мактабгача таълим ташкилоти, оилавий шифокорлик пункти, бизнес марказ, меҳмонхона, конгресслар зали ва истироҳат боғи бунёд этилади.





ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ СОҲА

Айтиш жоизки, бугун юртимизда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Биргина туманимиз мисолида айтадиган бўлсак, сўнгги 7 йилда 21 та мактаб таъмирланди, 8 та мактабда қўшимча янги бино, шунингдек, 9 та мактаб филиали бинолари замонавий услубда қурилиб, 5 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди.

Бу билан соҳада бажариладиган ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Улар бўйича муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, туманимизда йилига ўқувчилар сони 130 нафарга кўпайиб бормоқда. Мазкур талабдан келиб чиқиб, 2025 йилда тумандаги 24-, 26-сонли мактаблар ва 52-сонли мактаб филиали реконструкция қилинади. Бунинг учун бюджетдан 9,4 млрд. сўм маблағ ажратилади. Якунда қўшимча 660 нафар ўқувчи ўрни яратишга эришамиз.

Бугунги кунда **туманда боғча ёшидаги болаларнинг мактабгача таълимга қамров даражаси 81,5 фоизни ташкил қилмоқда.** Лекин маҳаллалар кесимида алоҳида олинганда “Сартамғали” (21 фоиз), “Ойбулоқ” (20 фоиз), “Ёнариқ” (39 фоиз) ва “Гулобод” (53 фоиз) маҳаллаларида кўрсаткич пастлигича қолмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2025-2026 йилларда 1 та янги давлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш ҳамда 20- ва 21-ДМТТларни реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, давлат томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобига 18 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш режалаштирилган. Натижада, 2025 йилда туманда қамров даражаси 95 фоизга етказилади.

Туманимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Хусусан, Нуробод шаҳарчасида 140 ўринли марказий шифохона ва санитария-эпидемиологик марказнинг бунёд этилиши, чекка ҳудудларда 7 та бирламчи тиббиёт муассасалари қурилиши ҳамда 6 та оилавий поликлиниканинг қайтадан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиши аҳолининг кўп йиллик муаммоларига муносиб ечим бўлди.

Шунингдек, бугунги кунда асосий эътибор бирламчи тиббиёт бўғинини янги босқичга кўтариш орқали касалликларни эрта аниқлашга қаратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, 2025-2026 йилларда тиббиёт соҳасига 4,8 млрд. сўм, туманнинг тоғли ҳудуди ҳисобланган “Четсув” маҳалласидаги 40-сонли оилавий поликлиника биносини мукаммал таъмирлашга 4,2 млрд. сўм маблағ ажратилгани айни муддао бўлди.

Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида келгуси йилда 2 нафар шифокорни хорижга юбориш ҳам режага киритилган.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – БОШ ВАЗИФА

Эндиликда аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадини ошириш орқали камбағалликдан чиқариш шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан умумхалқ ҳаракатига айланди. Бу борада ҳам туман бўйича ўрганишлар олиб бориб, аниқ режа ва мақсадларимизни белгилаб олдик.

Хусусан, йил бошида туманда камбағаллик даражаси 8,6 фоизни (2 минг 346 та оила, 9,6 мингта аҳоли) ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 788 та оила (2 минг 887 нафар аҳоли) камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 6 фоизга туширилишига эришилди. Бу кўрсаткич йил охирига бориб 5,5 фоизгача, 2025 йил якунига қадар эса 3 фоизга қисқартирилиши кўзда тутилган.

Бунда, биринчи навбатда, фуқароларни тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда хоҳиш-истаклари, эҳтиёжларини инобатга олиб, 1,1 мингта хизматлар пакети шакллантирилади. Жумладан, улардан 287 нафарини доимий иш билан таъминлаш, 215 нафарини ўқитиш, 462 нафарига кафолатланган тиббий хизмат ҳамда 356 нафарига бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатиш режалаштирилган. Шунингдек, камбағал оила вакилларини қайта ўқитиб, даромадли касбга йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Яқинда ўтказилган хатловлар орқали туманимиздаги инфратузилмаси оғир ва ривожланишдан орқада бўлган 11 та маҳалла ажратиб олинди. Уларнинг 9 тасида томорқани суғоришда сув етишмаслиги, 8 тасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун электр таъминоти, 3 тасида эса ички йўллар билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланиб, бу бўйича мақсадли йўл хариталари ишлаб чиқилди. Шунга кўра, давлат томонидан ажратиладиган 40 млрд. сўм эвазига 4 минг 700 та хонадон томорқасини суғориш тизими, 18 млрд. сўмга 1 минг 800 та хонадонда электр таъминоти, 14 млрд. сўмга эса ички йўллар ҳолати яхшиланади.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИМИЗ ЎСМОҚДА

Туманимиз узоқ йиллар аграр соҳага ихтисослашган ҳудуд сифатида кўриб келинган. Бироқ сўнгги йилларда чет эл сармояларини жалб этиш орқали ҳудудда саноат корхоналарининг ортиб бориши ва бу орқали экспорт салоҳиятининг ўсиши натижасида чин маънода саноатлашган туманлар қаторига қўшилди.

Таъкидлаш лозимки, инвестицияларни жалб қилиш нафақат ҳудуднинг иқтисодий ўсишида, балки аҳолининг бандлигини таъминланишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жорий йил бошида декабрь ойи якунига қадар 177,9 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни мақсад қилган эдик. Дастлабки 9 ойда 132,5 млн. доллар миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштирдик. Режага кўра, 2025 йилда 206 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шунингдек, **2025-2029 йиллар давомида 44 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 2,7 млрд. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, 3 минг 705 та янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.**

Шу ўринда инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига ҳудуднинг экспорт салоҳияти ҳам ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 75,3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, бу борадаги йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Келгуси йилда мазкур кўрсаткични 120 млн. долларга етказиш мақсад қилинган. Шу билан бирга, 2025-2029 йиллар давомида экспорт ҳажмини 3 баробарга ошириш, шунга мос равишда, экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар сонини 35 дан 58 тага, экспорт географиясини 16 дан 22 тага етказиш устувор вазифаларимиз қаторига киритилди.

Хабарингиз бор, Президентимиз таклифларига асосан Оҳангарон тумани Олмалиқ, Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари ва Пискент туманидаги саноат корхоналари билан биргаликда “саноат учбурчаги”га бирлаштирилиб, ушбу ҳудудлардаги йирик ва кичик саноат корхоналари ўзаро кооперация ва ҳамкорликда ривожлантирилади. Мазкур ҳудудларда қурилиш, кимё, электротехника, чарм ҳамда озиқ-овқат саноати йўналишларига устуворлик берилади.

Бундан ташқари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан туманимиздаги 8 та саноат корхонаси “шатак”ка олинади. Бундан мақсад хориждан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг комбинат томонидан етказиб берилиши ҳисобига ушбу корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда импорт ўрнини босувчи янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлашдир.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи ҳудудлар ривожланишида янги саҳифа очди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бундан илҳомланиб, биз ҳам келгусидаги вазифаларимизни аниқ белгилаб, эътибор қаратишимиз керак бўлган муҳим йўналишлар бўйича режа тузиб олдик.

Ўйлайманки, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ишларимизда туманимиз фаоллари, нуронийлар, барча бўлим ва ташкилот раҳбарлари, шунингдек, яқинда сайланган депутатларимиз билан ишни янада кучайтириб, биргаликда олдимизга қўйилган вазифаларни тўлиқ адо этамиз.

Дониёр МАДИРИМОВ,
Оҳангарон тумани ҳокими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6